

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ ШЕРЗОД СУЛТАНБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНING ҲУДУДИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жўраев Шерзод Султанбаевич

Ўзбекистон саноати ривожланишининг худудий хусусиятлари.....3

Жўраев Шерзод Султанбаевич

Территориальные особенности развития промышленности
Узбекистана.....21

Juraev Sherzod Sultanbaevich

Territorial features of the development of industry in Uzbekistan.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ ШЕРЗОД СУЛТАНБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНING ҲУДУДИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Gr98 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nauka@nuu.uz) ва «Ziyo.net» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Аваз Мадаминович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдалова Зулҳумор Тоировна
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

Б.А.Бахритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раис ўринбосари г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг тез суръатларда ўсиб бориши уларнинг бандлигини ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, аввало, маҳаллий меҳнат ресурслари, минерал хом ашё ва экологик вазиятни ҳисобга олиб ҳудудий ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг тўққизинчи мақсади «Иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг фаровонлигини ошириш учун сифатли, ишончли, барқарор инфратузилма, жумладан ҳудудий миқёсдаги инфратузилмани ишлаб чиқиш»¹ вазифаларини ечишга қаратилган. Мазкур вазифалар саноатнинг тармоқ таркибини ва уни ҳудудий ташкил этишни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, саноатни ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этишда жойнинг табиий ресурс ва минерал хом ашё базаси, демографик салоҳияти ва меҳнат ресурслари, экологик ҳолати каби маҳаллий омиллардан келиб чиқиб корхоналарни жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда саноатни ривожлантиришда ҳудудларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, географик хусусиятлари ҳамда экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда саноатнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Саноатнинг юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ҳудудлардаги мавжуд табиий ресурс ва минерал хом ашё базаси ҳамда меҳнат ресурслари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий таркибини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-

¹<http://www.undp.org/content/undp/en/home/sustainable-development-goals/goal-9-industry-innovation-and-infrastructure/targets/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноатни ривожлантириш, ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон, яқин хорижий ва чет эл олимлари томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган ва кенг миқёсда ўрганилган. Жумладан, хорижий олимлардан Ф.Перру, И.Тюнен, В.Кристаллер, А.Вебер, Б.Лундваль, Г.Мюрдаль, У.Айзард; МДХда Н.Н.Колосовский, Ю.Г.Саушкин, В.В.Кистанов, Э.Б.Алаев, И.М.Маергойз, А.И.Чистобаев, М.Д.Шаригин, Б.С.Жихаревич, А.Т.Хрушев, А.Г.Гранберг, К.И.Иванов, Н.Н.Некрасов, Р.А.Попов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида саноат тараққиёти, унга хос тафовутлар, саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда республика ёки унинг айрим ҳудудларида саноат тугунларининг шаклланиши ва ривожланиши, саноат ишлаб чиқариши, унинг ҳудудий ташкил этилиши, унга хос муаммолар билан боғлиқ назарий ва амалий масалалари З.М.Акрамов, Қ.Н.Абирқулов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.А.Қаюмов, А.С.Солиев, М.А.Абдусаломов, А.Н.Рўзиев, А.М.Содиқов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ҳ.П.Абулқосимов, О.Абдуллаев, А.Т.Юсупов, Ш.Азимов, Л.Каршибоева, Ҳ.А.Абдуназаров, А.Г.Абдуллаев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишларида республика миқёсида саноатнинг жадал ривожланиши, саноат тараққиётининг ҳудудий тафовутларини камайтириш, унинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаганлиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг А-2-62 «Рақобатли бозорлар ўсиши шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш стратегияси» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республика ҳудудлари хусусиятлари, табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ва экологик вазиятини ҳисобга олган

ҳолда саноатнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий иқтисодий диверсификация қилиш шароитида республикада амалга оширилаётган саноатнинг ҳудудий ва тармоқлар тузилишидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва ундаги муаммоларни аниқлаш;

ҳудудларда саноат интеграциясининг ҳозирги ҳолати ва у билан алоқадор муаммоларини аниқлаш;

республика саноатининг шаклланиши, унга таъсир этувчи омилларни иқтисодий географик жиҳатдан баҳолаш;

республика саноатининг ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон саноати ва унинг тармоқлари ҳудудий таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети республика саноатининг ривожланишига таъсир этувчи маҳаллий омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий таркибини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда картографик, ҳудудий таҳлил, тарихий, статистик-математик, баланс, географик таққослаш, тизим-таркиб, ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экологик ва фитомелиоратив тадбирлар жадал олиб борилаётган, салоҳиятли углеводород хом ашёси захираларига эга Қуйи Амударё иқтисодий районида табиий газни қазиб олиш ва қайта ишлаш саноатини янада кенгайтириш, унда “экологик тоза” юқори технологияларни жорий этиш асосланган;

саноати ривожланган ва салоҳияти юқорилиги баробарида флора ва ўсимликлар қопламида турларнинг хилма-хиллиги юқори ҳамда доривор ўсимликлар табиий равишда кенг тарқалган шароитда Тошкент иқтисодий районида «Бўстонлик-фарм», «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш асосланган;

тупроқ-иқлим шароити ва мелиоратив ҳолати мураккаб Мирзачўл иқтисодий районида сувни кам талаб қилувчи пахта тозалаш, ип йигирув, тикув-трикотаж, ёғ-мой саноатини ривожлантириш асосланган;

туристик салоҳияти юқори, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланган Зарафшон иқтисодий районида электроника, электротехника ва озиқ-овқат тармоқларини ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида касаначиликни ривожлантириш асосланган;

табиий ресурслар, хусусан минерал хом ашё ва ёқилғи фойдали қазилмаларнинг катта захираларига эга Жанубий иқтисодий районда углеводород хом ашёсини ва калий тузларини қазиб олиш ва комплекс қайта ишлашни кенгайтириш, ёқилғи-энергетика-кимё комплексини янада ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолининг меҳнатда қўнимсизлигини ва саноатнинг ҳудудий тафовутларини камайитириш асосланган;

аҳолиси зич, малакали меҳнат ресурслари етарли, рурбанизациялашган Фарғона иқтисодий районида саноатнинг мева-консерва, тўқимачилик, автомобилсозлик, асбобсозлик ва микробиология тармоқларини ривожлантириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикада саноат тармоқларининг ҳудудий таркибини тавсифловчи туркум карталар яратилган;

ҳудудий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши, ундирувчи ва қайта ишловчи саноат тармоқларининг ҳудудий мужассамлашув даражаси баҳоланган;

республикамизда саноат ривожланишининг ҳудудий тафовутларига барҳам бериш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маълумотларидан фойдаланилгани, муаллифнинг бевосита ҳудудларда кузатув ишлари асосида яратилган карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялари амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузулмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада ҳудудлар саноатини мутаносиб ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини такомиллаштиришнинг методологик ёндашувларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, аввало олинган асосий хулоса ва тавсиялардан республика саноати ривожланишидаги ҳудудий тафовутларини камайтириш ҳамда ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишларида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон саноати ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

экологик ва фитомелиоратив тадбирлар жадал олиб борилаётган, салоҳиятли углеводород хом ашёси захираларига эга Қуйи Амударё иқтисодий районида табиий газни қазиб олиш ва қайта ишлаш саноатини янада кенгайтириш, унда “экологик тоза” юқори технологияларни жорий этиш бўйича асосланган таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614-сон “2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорини бажаришда амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 24

апрелдаги 01/417-сон маълумотномаси). Натижада Қўнғирот, Чимбой, Мўйноқ туманларида табиий газни технологик жиҳатдан чуқур қайта ишлаш ва тармоқ таркибини такомиллаштириш, бу орқали аҳоли бандлик даражасини 2,1 фоизга ошириш имконини берган;

саноати ривожланган ва салоҳияти юқорилиги баробарида флора ва ўсимликлар қопламида турларнинг хилма хиллиги юқори ҳамда доривор ўсимликлар табиий равишда кенг тарқалган шароитда Тошкент иқтисодий районида «Бўстонлик-фарм», «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича асосланган таклифлари «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/213-сон маълумотномаси) ва фармацевтика саноати тизимида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2019 йил 7 январдаги 24/1-4268-сон маълумотномаси). Натижада мазкур иқтисодий районга киритилган инвестициялар ҳажми 8,3 фоизга ошириш имконини берган.

тупроқ-иқлим шароити ва мелиоратив ҳолати мураккаб Мирзачўл иқтисодий районида сувни кам талаб қилувчи пахта тозалаш, ип йигирув, тикув-трикотаж, ёғ-мой саноатини ривожлантириш бўйича асосланган таклифлари «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/213-сон маълумотномаси). Натижада агросаноат мажмуаси билан алоқадор меҳнатни кам талаб қилувчи ишлаб чиқаришни тўғри жойлаштириш ва кучайтириш имконини берган.

туристик салоҳияти юқори, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланган Зарафшон иқтисодий районида электроника, электротехника ва озиқ-овқат тармоқларини ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида касаначиликни ривожлантириш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/213-сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон иқтисодий райони корхоналарида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳияти ўсишига эришилган.

табиий ресурслар, хусусан минерал хом ашё ва ёқилғи фойдали қазилмаларнинг катта захираларига эга Жанубий иқтисодий районда углеводород хом ашёсини ва калий тузларини қазиб олиш ва комплекс қайта ишлашни кенгайтириш, ёқилғи-энергетика-кимё комплексини янада ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолининг меҳнатда қўнимсизлигини ва саноатнинг худудий тафовутларини камайитириш бўйича асосланган

таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/213-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2019 йил 7 январдаги 24/1-4268-сон маълумотномалари) Натижада Қашқадарё вилояти ёқилғи ва кимё саноатида комплекс ривожланиш таъминланган ва аҳолининг бандлик даражасини 0,9 фоизга ошириш имконини берган.

аҳолиси зич, малакали меҳнат ресурслари етарли, рурбанизациялашган Фарғона иқтисодий районида саноатнинг мева-консерва, тўқимачилик, автомобилсозлик, асбобсозлик ва микробиология тармоқларини ривожлантириш бўйича асосланган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 ноябрдаги 01/213-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона иқтисодий райони тўқимачилик корхоналарида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳияти ўсишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, республика фан, технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон миллий иқтисодиётида саноатнинг тутган ўрни ва роли» деб номланган биринчи бобида саноатни иқтисодий географик ўрганишнинг айрим назарий масалалари, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда саноатнинг тутган ўрни ва ундаги таркибий ўзгаришлар баён этилган.

Республика иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқаришнинг техник, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси кўп жиҳатдан саноат билан узвий боғланган.

Саноатнинг ҳар бир тармоғи иқтисодий жиҳатдан муайян яхлитликка эга. Саноат – корхоналар бирлашмаси бўлиб, у ишлаб чиқариш, маҳсулот, фойда, хом ашё, техника ва технология, кадрлар касбий таркиби ва меҳнат шароити ҳамда жойлаштириш омилларини ўзида мужассам этади.

Маълумки, вужудга келган ва ихтисослашган корхона саноат тармоғини яратмайди, чунки тармоқ турдош корхоналар гуруҳидан иборат. Лекин, ҳар қандай турдош корхоналар гуруҳи ҳам тармоқ ярата олмайди. Бунинг учун у ўзининг хусусиятига кўра мавжуд тармоқлардан фарқ қилиши ва аҳоли эҳтиёжлари нуқтаи назаридан йирик масшабли ишлаб чиқаришга эга бўлиши керак. Шундай қилиб, ихтисослашган корхоналарнинг гуруҳлари ва тармоқлари бир-биридан фарқланади. Шунга мувофиқ ҳолда, тармоқларнинг гуруҳлаш схемаси асосий саноат тармоқлари гуруҳи, ихтисослашган корхоналар гуруҳига ажратилади.

Саноат тармоқлари бир-биридан ишлаб чиқариш, техник-конструктив ва технологик жиҳатдан ўзига хослиги, ёқилғи, энергия ресурслари, хом ашё манбалари, ишчи кучи тўпланган ҳудудлар, тайёр маҳсулот истеъмол қилиш, жойларига нисбатан жойлашуви билан фарқланади. Бу эса тармоқларни оқилона мужассамлашувини ўта ошириб юборади. Биринчидан, алоҳида олинган тармоқ муайян ҳудуд комплекси таркибига фақат айрим корхоналари билан киради. Иккинчидан, ҳамма тармоқлар ҳам ўз корхоналари билан бир вақтда ҳар бир минтақа ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси фаолиятида иштирок этмайди. Учинчидан, бир тармоқ корхоналари ихтисослиги ва тузилмаси турлича бўлган район комплексларида саноатнинг бошқа тармоқ корхоналари билан ўзига хос бирлашмалар ҳосил қилади. Саноат корхоналари тармоқлар ва ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари таркибида ҳудудий меҳнат тақсимооти ва ўзаро таъсир доирасидаги иштироки билан тавсифланади. Бунда тармоқлар орасидаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, миқёси ва самарадорлиги; маҳаллий, иқтисодий ва табиий шароит хусусиятларига мос келиш даражаси; меҳнат, моддий ва табиий ресурслардан фойдаланиш хусусияти; атрофидаги ишлаб чиқариш кучларига таъсири; саноатнинг бошқа тармоқлари ва хўжаликнинг бошқа бўғинлари билан алоқалари; саноат комплексларини шакллантириш қобилияти; ҳудудлараро тайёр маҳсулот, энергия, ёқилғи, хом ашё алмашинувида иштирок этиш даражасига боғлиқ.

Ҳудудда турли вазифаларни бажарувчи тармоқлар орасидаги боғлиқликни фақат сифат жиҳатидангина эмас, балки миқдор жиҳатидан ҳам

аниқлаш мумкин. Бу фикрлар энг аввало тармоқларнинг ҳудудий ихтисослашуви таърифига тегишлидир. Саноат тармоқларининг ихтисослашув ва маҳаллийлашув коэффицентлари А.Т.Хрушев бўйича қуйидагича аниқланади:

$$S_i^r = \frac{P_i^r}{P^r} \div \frac{P_i}{P} \quad \text{ёки} \quad L_i^r = \frac{P_i^r}{P^r} \div \frac{P^r}{P}$$

Бу ерда S_i^r – r-район ($r=1, 2, 3, \dots, n$)даги i-тармоқ ($i=1, 2, 3, \dots, m$)нинг ихтисослашув коэффицентлари; P_i^r – r-райондаги i-тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми, P^r – r-райондаги жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми, P_i – мамлакат бирор тармоғидаги ишлаб чиқариш ҳажми; P – мамлакатдаги жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми; L_i^r – r-райондаги i-тармоқнинг маҳаллийлашув коэффицентлари.

Саноат ишлаб чиқаришини назарий жиҳатдан ўрганиш амалий таклифлар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Саноатда фан-техника тараққиётининг энг янги ихтиролари ва кашфиётлари, техника ва технологиялари яратилади. Улар тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилади. Шунинг учун саноат хўжаликнинг бошқа тармоқларини ўз орқасидан эргаштириб боради. Республика иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқаришнинг техник, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси кўп жиҳатдан саноат билан чамбарчас боғланган.

Республикада амалга оширилаётган ислохотларда саноат марказий ўрин эгаллайди. Негаки, саноат тараққиёти кўплаб иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига ва пировард мақсад аҳоли турмуш тарзининг юксалишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда саноат барқарор ривожланмоқда. Агар 2000 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 27,2 фоизга етди³. Саноат маҳсулоти 2000 йилда 1888,9 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2018 йилга келиб 228866,2 млрд. сўмни ташкил этди⁴. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 114,4 фоизга⁵ тенг бўлди. Саноатда 1826,8 минг ишчи-хизматчи бўлиб, улар иқтисодиётда банд аҳоли (13520,3 минг киши)нинг 13,6 фоизини ташкил этди⁶. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг катта қисмини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган соҳалар ташкил этди.

Диссертациянинг «Саноат тармоқларининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш суръатлари» деб номланган иккинчи бобида саноатнинг ривожланиш суръатлари ва унинг миллий иқтисодиётдаги ролини ошириш, замонавий саноат тармоқларнинг ҳозирги ҳолати ва унга хос хусусиятлар ёритилган. Саноат ривожланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари,

³Ўзбекистон саноати (2014-2017). – Тошкент, 2018. – Б. 12.


⁴Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2018. – Б. 79.

⁵ stat.uz.

⁶Ўзбекистон саноати (2018). – Тошкент, 2018. – Б. 13.

саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича таҳлиллари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми йиллар давомида динамик тарзда ўсиб келмоқда. 2005 йилда 11028,6 млрд. сўмлик маҳсулот яратилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 228866,2 млрд. сўмга тенг бўлди ва ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 20 баробар ўсди (1-расм).



1-расм. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм ҳисобида

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таркибида ҳам тармоқларнинг ҳиссаси ўзгариб бормоқда. Агар 2010 йилда ёқилғи саноати энг катта улушга (19,8 фоиз) эга бўлган бўлса, таҳлил қилинаётган даврнинг сўнгги даврида, яъни 2017 йилда озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати 18,9 фоиз билан энг катта улушга эга бўлган. Лекин, бу саноатнинг улуши 2016 йилда 23,9 фоизга тенг бўлганини ҳисобга олсак, 2017 йилда 5,0 фоизга ҳиссаси камайганини кўраимиз. Шунингдек, тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш (16,3 фоиз), машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлер, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш саноати (14,3 фоиз) каби саноат тармоқларининг ҳиссаси сезиларли даражада. Шу ўринда машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш саноати депрессия давридан чиқиб олганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Негаки, бу саноатнинг ҳиссаси 2016 йилда 9,8 фоизга тушиб кетган эди. Қийёсий маълумот учун 2014 йилда унинг ҳиссаси 17,1 фоизга тенг бўлган. Булардан кўринадики, мазкур саноат тармоғининг олдинги мавқеини тиклашга ҳаракат қилинмоқда.

Саноатни иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этишда унинг тармоқлар таркибини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки, тармоқлар ижтимоий меҳнат тақсимотининг натижаси бўлиб, уларда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг асосий шакллари, яъни мужассамлашув, ихтисослашув, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш ўз ифодасини топади. Қолаверса, айнан тармоқлар тизимида саноат ишлаб

чиқаришига доир янги технологияларни жорий қилиш ва ҳозирги замон фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ қилиш имкониятлари кўпроқ.

Республикадаги бой хом ашё ва меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда, саноатни, айниқса, кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ташкил этиш, бунда ҳудудлар иқтисодий ресурс салоҳиятига эътибор бериш талаб этилади. Бугунги кунда ички имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш машинасозлик соҳасини янада тараққий эттириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажариб беради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун хом ашёни якуний босқичга, яъни истеъмол учун экологик тоза ва тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш лозим. Бунинг учун ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутун жараёнини, яъни тўлиқ циклини йўлга қўйишни талаб этади.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва республика саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркиби**» деб номланиб, унда республика ҳудудлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тенденциялари, саноат асосий ишлаб чиқариш фондлари ва уларнинг ҳудудий таркиби ҳақида қиёсий таҳлиллар ва ҳудудий тафовутларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган. Республика ҳудудлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича турлича улушга эга (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми
(млрд. сўм ҳисобида)**

	Йиллар				
	2005	2010	2015	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси	11028,6	34499,1	97598,2	148816,0	228866,2
Қорақалпоғистон Республикаси	198,8	562,2	2387,6	6773,3	10563,1
вилоятлар					
Андижон	1177,5	4314,6	9744,6	13269,8	26950,7
Бухоро	517,0	1419,7	5143,9	6422,3	8520,7
Жиззах	192,6	430,9	1474,5	2548,8	3276,6
Қашқадарё	1436,6	4614,7	8721,9	10945,9	14196,6
Навоий	1714,8	3804,0	9286,9	13072,9	22554,2
Наманган	330,5	834,3	2861,8	4615,5	5743,7
Самарқанд	383,6	1672,5	6095,5	9242,0	11871,3
Сурхондарё	219,1	644,8	1910,7	2356,4	3222,5
Сирдарё	296,6	806,6	2820,6	3806,5	4941,7
Тошкент	1795,4	4995,4	11401,0	21693,4	35019,6
Фарғона	1033,2	2843,8	7170,2	9728,5	12832,5
Хоразм	214,8	508,4	2616,0	4070,4	5930,9
Тошкент шаҳри	1247,4	6571,5	18986,1	30459,6	42600,9

Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Шунинг учун ҳудудларда саноат бир хилда тарқалган, вилоятларнинг саноат ишлаб чиқариши бир-бири билан тенг, деб бўлмайди. Айрим

худудлар (Тошкент шаҳри ва вилояти) катта салмоққа эга бўлса, айрим худудлар эса аксинча, жуда ҳам кам саноат ишлаб чиқаришига эга (Жиззах, Сурхондарё вилоятлари). Булардан кўринадики, худудларда саноат ишлаб чиқаришини бир хилда, мутаносиб тарзда тақсимлаш зарур, худудий тафовутларга барҳам бериш, худудларнинг саноат ишлаб чиқариш потенциалини бир-бирига яқинлаштириш ва тенглаштириш талаб этилади. Асосий урғуни жуда ҳам саноати суст ривожланган худудларга қаратиш, уларда илғор саноат тармоқларини барпо этиш, маҳаллий хом ашёни чуқур технологик жиҳатдан қайта ишлайдиган ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар жойлаштириш уларнинг индустриал тараққиётига замин яратади.

Мамлакат саноат ишлаб чиқаришида етакчи ўринларни 2018 йил маълумотлари бўйича, Тошкент шаҳри (42600,9 млрд. сўм), Тошкент (35019,6 млрд. сўм), Андижон (26950,7 млрд. сўм) ва Навоий (22554,2 млрд. сўм) вилоятлари эгаллайди. Энг кам саноат ишлаб чиқариши эса Сурхондарё (3222,5 млрд. сўм), Жиззах (3276,6 млрд. сўм) ва Сирдарё (4941,7 млрд. сўм), вилоятларига тўғри келади. Қолган худудлар эса ўрта ўринларни банд этади (2-жадвал).

2-жадвал

Республика худудларининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши бўйича гуруҳлаштириш (2018 йил)

Типи	Гуруҳи	Худудларнинг саноат маҳсулоти, млрд. сўм
I	Юқори (20 млрд. сўм ва ундан ортиқ)	Тошкент шаҳри (42600,9 млрд. сўм), Тошкент (35019,6 млрд. сўм), Андижон (26950,7 млрд. сўм), Навоий (22554,2 млрд. сўм) вилоятлари
II	Ўрта (10 млрд. сўмдан 20 млрд. сўмгача)	Қашқадарё (14196,6 млрд. сўм), Фарғона (12832,5 млрд. сўм), Самарқанд (11871,3 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (10563,1 млрд. сўм)
III	Паст (10 млрд. сўмгача)	Бухоро (8520,7 млрд. сўм), Хоразм (5930,9 млрд. сўм), Наманган (5743,7 млрд. сўм), Сирдарё (4941,7 млрд. сўм), Жиззах (3276,6 млрд. сўм), Сурхондарё (3222,5 млрд. сўм) вилоятлари

Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлилларга кўра, республика саноат ишлаб чиқаришида 2018 йилда энг юқори кўрсаткич Андижон вилоятида кузатилди (155,8 фоиз). Шу ўринда ушбу вилоятнинг 2016 йилда кўрсаткичлари ўта паст (74,8 фоиз) бўлганлигини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Шунингдек, юқори ўсиш суръатлари Хоразм (117,3 фоиз), Сурхондарё (115,6 фоиз), Тошкент (115,6 фоиз), Наманган (111,9 фоиз) ва Сирдарё (110,4 фоиз) вилоятларида қайд этилди. Лекин Жиззах (102,1 фоиз), Бухоро (103,0 фоиз), Навоий (103,2 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (104,1 фоиз) ўсиш суръатлари бошқа худудларга нисбатан паст даражада қайд этилди⁷. Республикада аҳоли жон бошига ўртача 6944,7 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди (2018).

⁷2017 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.

Худудлар бўйича 2018 йилда аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда Навоий вилояти 23343,2 минг сўм билан мутлақ биринчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, Тошкент шаҳри (17123,9 минг сўм) ва Тошкент вилояти (12160,0 минг сўм) республикада «кучли учлик» таркибига киради. Улардаги кўрсаткичлар бошқа худудларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Хусусан, Навоий вилояти кўрсаткичи Сурхондарё вилоятига нисбатан 18,4 баробарга юқори бўлди. Шу ўринда тафовут йилдан йилга ортиб бораётганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Негаки, мазкур вилоятлар, яъни «абсолют максимум» билан «абсолют минимум» ўртасидаги фарқ 2016 йилда 12,6 баробарни, 2017 йилда 15,6 баробарни ташкил этган эди. Навоий вилоятида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти Наманган вилоятига нисбатан 11,1 баробар, Андижон вилоятига нисбатан 2,6 баробар кўп.

Республика бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти энг кам ишлаб чиқарилган вилоят Сурхондарёдир. Бу вилоятда 2017 йилда 880,3 минг сўмга тенг саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 1267,8 минг сўмга тенг бўлди. Шунинг учун мазкур вилоятда саноатни жадал ривожлантириш талаб этилади. Вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши Тошкент шаҳрига нисбатан 13,5 баробар, Тошкент вилоятига нисбатан эса 5,8 баробарга камроқ тўғри келади. Ўз навбатида Наманган (2106,9 минг сўм), Жиззах (2447,8 минг сўм), Хоразм (3258,4 минг сўм) вилоятларида ҳам энг паст кўрсаткичлар кузатилади.

Диссертациянинг «**Республика саноати ривожланишининг ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш масалалари**» деб номланган тўртинчи бобида саноатни ривожлантиришнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш муаммолари, республика саноатининг тармоқ таркибини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон саноати тармоқлар ва ҳудудий таркиби ҳар хил. Бу ҳол уларнинг тарихан шаклланиш хусусиятлари, фан-техника тараққиёти, демографик, табиий ва меҳнат ресурслари ва бошқа омиллар таъсири билан боғланган.

Фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи асосий тармоқлар – электроэнергетика, машинасозлик, электротехника, электроника, кимё саноати ва бошқалар жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Бозор иқтисодиётининг асосий қонунларига мувофиқ, маблағлар иқтисодий самарадорликка тез эришиш мумкин бўлган энг муҳим йўналишларда тўпланади. Бу аввало машинасозликка тегишлидир.

Бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида малакали меҳнат ресурслари, қулай инфраструктура тизими мавжудлиги ҳисобига республика худудларида автомобилсозлик, электротехника, ирригация машинасозлиги, авиация ва тўқимачилик тармоқларини янада янги босқичларга олиб чиқиш имконини беради. Негаки, мазкур тармоқларни юксалтириш демографик сиғими юқори, ер ва сув ресурслари чекланган худудларнинг муаммоларини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Саноат корхоналарини илмий асосда жойлаштириш тармоқларни ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Бу ғоя дастлаб немис олими А.Вебер томонидан яратилган бўлса-да, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У 1909 йилда саноатни жойлаштириш, саноат штандорти тўғрисидаги асарида саноат корхоналарини жойлаштиришда ҳам ашё ва ёқилғи, ишчи кучи ва транспорт омилларига катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Юқорида кўрсатилган мазкур омиллар ҳозирда ҳам саноатнинг ривожланиши, айниқса жойланишига кучли таъсир кўрсатади. Бу борада республика саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий ва тармоқ тузилишида қуйидаги камчилик ва муаммолар мавжуд:

республика саноатида кўп меҳнат ва кам металл талаб қиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи – электротехника, электроника ва радиотехника каби машинасозликнинг замонавий ва илғор тармоқлари нисбатан тараққий этмаганлиги;

машинасозлик ва металлга ишлов бериш корхоналари жуда ҳам нотекис жойлашган ва шу билан улар орасида ишлаб чиқариш алоқалари яхши йўлга қўйилмаган, аммо автомобилсозлик, электротехника саноати корхоналарининг истиқболлари жуда ҳам катта, шунинг учун уларда турдош корхоналарни кўпайтириш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш зарур;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари (пиллачилик фабрикалари, консерва, сут заводлари ва бошқа корхоналар) қувватларининг етишмаслиги ва оқилона жойлашмаганлиги туфайли қишлоқ хўжалигидан олинган ҳам ашёни қайта ишлашни таъминлай олмаяпти, бу эса ҳам ашё ва тайёр маҳсулотларни ортикча узоқ масофаларга ташиш заруриятини келтириб чиқармоқда;

айрим ҳолатларда саноатда ялпи маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифалари бажарилмай қолмоқда. Бундай ҳолат асосан капитал қурилишнинг орқада қолганлиги, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга туширмаслик ва қисман сифатсиз ускуналар етказиб берилганлиги билан изоҳланади;

мавжуд ишлаб чиқариш корхоналаридан унумли фойдаланмаслик, маънавий эскирган корхоналарни бошқа соҳаларга султ ихтисослаштирилиши;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ёйилишига лоқайдлик билан қараш.

Республика саноатининг ривожланиши, истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда ва бу борада туб сифат ўзгаришларини амалга оширишда қўшма ва хусусий корхоналар муҳим ўрин тутди. Қўшма корхоналар барпо этиш, хорижий инвестицияларини иқтисодиётга жалб этишда демографик вазиятни ҳисобга олиш, табиий ресурслар ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш даражаси, аҳоли эҳтиёжини қондириш ҳамда ижтимоий-экологик муаммоларни бартараф

этиш, замонавий фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи бозордаги мавқеини ошириш, миллий иқтисодиёт мажмуасини интенсив йўлдан комплекс ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш зарур.

Республикада 2030 йилга мўлжалланган саноат корхоналарини ҳудудий жойлантириш ва ривожлантириш кўрсаткичларини белгилаш, миллий иқтисодиёт мажмуасининг моддий-техника базасини қайта қуриш, иқтисодиёт тармоқларининг самарали таркибини ва бошқаришнинг замонавий шакллари яратиш мана шундай муҳим тадбирлар ҳисобланади.

ХУЛОСА

Бажарилган диссертация тадқиқоти асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Республика саноатида чуқур таркибий ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Айниқса, сўнги йилларда тоғ-қон, машинасозлик, енгил ва тўқимачилик саноатлари энг илғор, замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланди. Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган энг илғор саноат тармоқлари – автомобилсозлик, электроника, биотехнология, целлюлоза-қоғоз тармоқлари шакллантирилди.

2. Саноат тармоқларини технологик ва ҳудудий ташкил этишда Н.Н.Колосовскийнинг энергия ишлаб чиқариш цикллари ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, А.Вебернинг саноат штандорти, Ф.Перунинг ўсиш кутб ва марказлари, М.Портернинг кластерлар назариясини, аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда, қўллаш катта иқтисодий самарадорликка олиб келади.

3. Республикадаги 6 та иқтисодий районлар доирасида, энг аввало 3 та базавий саноат тармоқлари ривожлантирилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Улар: электр энергетика, қурилиш материаллари ва тўқимачилик саноати мажмуаларидан иборат бўлмоғи лозим. Ҳозирча бундай ишлаб чиқариш мажмуасини Тошкент иқтисодий районида кўриш мумкин. Шунингдек, у қисман Зарафшон ва Фарғона иқтисодий районларида ҳам шаклланиб бормоқда. Бироқ Фарғонада электр энергетика ва қурилиш материаллари, Зарафшонда тўқимачилик бирмунча суст ривожланган. Жанубий иқтисодий район катта минерал хом ашё ресурсларига бой бўлган ҳолда, бу ерда қурилиш ва тўқимачилик, Мирзачўлда тўқимачилик, Қуйи Амударё иқтисодий районида эса ҳар уччала базавий соҳа анча заиф ҳолда.

4. Тошкент, Фарғона ва Зарафшон иқтисодий районларида саноатнинг аҳамиятини ошириш учун мавжуд илмий ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарур. Бу иқтисодий районлар саноат ишлаб чиқаришида замонавий технологияларни кенг қўллаш, меҳнат ресурслари, айниқса аёлларни иш билан таъминлаш, шу билан бирга маънавий эскирган ва экологик зарарли ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тугатишни тезлаштириш билан изоҳланади.

5. Саноат комплексларини шакллантириш ва ривожлантириш асосан Қашқадарё (Шўртан-Муборак), Бухоро (Газли), Навоий вилояти ва айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси (Устюрт) ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари таркибидаги улкан ёқилғи-энергетика заҳиралари асосида амалга оширилади.

6. Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Лекин саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Шунинг учун уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтириш, йирик саноат корхоналари билан ўзаро кооперацион алоқаларини кенгайтириш, маҳсулотларини сотиш учун имтиёзлар бериш таклиф этилади.

7. Мамлакат саноат ишлаб чиқаришида етакчи ўринларни Тошкент шаҳри (18,6 фоиз), Тошкент вилояти (15,3 фоиз), Андижон (11,8 фоиз), Навоий (9,9 фоиз) вилоятлари эгаллайди. Лекин, Хоразм (2,6 фоиз), Наманган (2,5 фоиз), Сирдарё (2,2 фоиз), Жиззах (1,4 фоиз) ва Сурхондарё (1,4 фоиз) вилоятларининг улуши кескин тарзда паст. Бундан кўринадики, республика саноат ишлаб чиқаришида ҳудудий тафовутлар катта. Шунинг учун саноати сустривожланган ҳудудлар саноатини ривожлантириш ва ҳудудий тафовутларни энг паст даражага келтириш билан изоҳланади.

8. Республика саноат ишлаб чиқаришида Тошкент (33,9 фоиз), Фарғона (19,9), Зарафшон (18,8 фоиз) иқтисодий районларининг улуши катта. Лекин Жанубий (7,6 фоиз), Қуйи Амударё (7,2 фоиз) ва Мирзачўл (3,6 фоиз) иқтисодий районларининг улуши жуда паст бўлиб, уларда аграр йўналишдаги индустриал тараққиётни жадаллаштириш таклиф этилади.

9. Фарғона иқтисодий районининг республика саноат маҳсулотларидаги улуши 2016 йилда 17,4 фоизга, 2017 йилда эса 18,5 фоизга ва 2018 йилда 19,9 фоизга тенг бўлди ва республика иқтисодий районлари орасида иккинчи ўринга кўтарилиб олди. Ушбу иқтисодий районда мамлакат аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг қарийб 1/3 қисми жойлашган. Бундан кўринадики, Фарғона иқтисодий районда энг янги саноат тармоқларини, хусусан, автомобилсозлик саноатини янада маҳаллийлаштириш, машинасозлик, электроника ва электротехника саноатининг янги тармоқларини тараққий эттириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.G.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЖУРАЕВ ШЕРЗОД СУЛТАНБАЕВИЧ

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.1.PhD/Gr98

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nauka@nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Каюмов Абдухаким Абдухамидович**
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Садиков Аваз Мадаминович**
доктор экономических наук, профессор

Абдалова Зулхумор Тоировна
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация: **Каракалпакский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Национального университета Узбекистана, факультет географии и природных ресурсов)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №___). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 года.)

Н.И.Сабитова
Председатель научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов
Учёный секретарь научного
совета по присуждению
ученых степеней, к.г.н., доцент

Б.А.Бахритдинов
Заместитель председателя научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время быстрый рост населения мира играет важную роль в обеспечении занятости населения и роста потребительских товаров с развитием промышленного производства, прежде всего территориальной организации, с учетом местных трудовых ресурсов, минеральных ресурсов и экологической ситуации. Девятая цель Программы Организации Объединенных Наций по устойчивому развитию до 2030 года заключается в решении задач «развития качественной, надежной, устойчивой инфраструктуры для экономического развития и улучшения благосостояния населения, включая региональную инфраструктуру»¹. Эти задачи требуют совершенствования отраслевой структуры и территориальной организации промышленности.

Организация промышленности осуществляется на основе местных факторов, таких как природно-ресурсная и минерально-сырьевая база, демографический потенциал и трудовые ресурсы, экологическое состояние местного промышленного развития, региональное промышленное развитие, эффективное использование трудовых ресурсов, глубокая переработка местного сырья. Одной из важных задач исследования является ускоренное развитие производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью и эффективное использование существующих производственных мощностей.

Принимаются меры по улучшению территориальной структуры промышленности с учетом природного и социально-экономического потенциала регионов, географических особенностей и экологической ситуации в развитии промышленности. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена задача: «дальнейшая модернизация и диверсификация отрасли за счет перехода на качественно новый этап развития». В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на совершенствование территориальной структуры промышленного производства с учетом природных, минерально-сырьевых и трудовых ресурсов в регионах республики.

Основанием для проведения таких исследований служат:

-Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»², а также постановления от 8 августа 2017 года № ПП-3182 «О приоритетных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов» и от 17 января 2018 года № ПП-3479 «О мерах по устойчивому обеспечению отраслей экономики страны продукцией и видами сырья с высоким спросом». Данная диссертационная работа

¹<http://www.undp.org/content/undp/en/home/sustainable-development-goals/goal-9-industry-innovation-and-infrastructure/targets/>

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП- 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

способствует реализации задач, определенных в этих нормативных актах Республики Узбекистан и других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республике. Диссертационное исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Ряд исследований был проведен и широко изучен учеными Узбекистана, стран СНГ и зарубежных стран по вопросам развития промышленности, регионального и отраслевого совершенствования. В частности, зарубежными учеными Ф.Перру, И. Тюнен, В. Кристаллер, А. Вебер, Б. Лундваль, Г. Мюрдаль, У.Айзард; Н. Н. Колосовский, Ю. Г. Саушкин, В. Г. Кистанов, Е. Б. Алаев, И. М. Маергойз, А. И. Чистобаев, М. Д. Шаригин, Б. С. Жихаревич, А. Т. Грушев, А. Г. Гранберг, К. И. Иванов, Н. Н. Некрасов, Р. В научных трудах А. Попова и других ученых рассматриваются вопросы промышленного развития, его различий, размещения и развития промышленного производства.

Теоретические и практические вопросы, связанные с формированием и развитием промышленных комплексов в Республике Узбекистан или в отдельных её регионах, а также промышленным производством, его территориальной организацией, специфическими проблемами был изучен в научных исследованиях: З.М.Акрамовым, К.Н.Абиркуловым, О.Б.Ата-Мирзаевым, А.А. Каюмовым, А.С. Солиевым, М.А. Абдусалимовым, А.Н. Рузиевым, А.М. Садыковым, Ф.Т.Эгамбердиевым, Н.П. Абулкасимовым, О.А. Абдуллаевым, А.Т. Юсуповым, Ш.Азимовым, Л.Каршибаевой Г.А. Абдуназаровым, А.Г. Абдуллаевым и других.

Выбор темы данного исследования заключался в недостаточной исследованности вышеупомянутыми учеными вопросов развития промышленности на национальном уровне, сокращения региональных различий в развитии промышленности, совершенствования ее отраслевой и территориальной структуры.

Связь диссертационного исследования с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках исследовательского проекта Национального университета Узбекистана А-2-62 «Стратегия развития регионального агропромышленного производства в условиях растущих конкурентных рынков».

Целью исследования является разработка предложений и рекомендаций по совершенствованию территориального состава промышленности с учетом особенностей, природных и социально-экономических возможностей и экологической ситуации в регионах республики.

Задачи исследования:

анализ изменений региональной и отраслевой структуры промышленности в стране в условиях диверсификации национальной экономики и выявление ее проблем;

определение текущего состояния промышленной интеграции в регионах и связанных с этим проблем;

экономико-географическая оценка формирования промышленности республики и факторов, влияющих на нее;

разработка научно-практических предложений и рекомендаций по совершенствованию территориальной и отраслевой структуры промышленности республики.

Объектом исследования является территориальная структура отраслей промышленности Узбекистана.

Предметом исследования является совершенствование её территориальной структуры с учетом местных факторов, влияющих на развитие промышленности республики.

